

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ КАФОЛАТЛАНГАН

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуннинг (кейинги ўринларда – Қонун) 10-моддасига ўзгартишлар киритишни кўзда тутадиган қонун лойиҳасини парламентда кўриб чиқиш учун тақдим этиш режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Есемурот КАНЪЯЗОВ ЎЗА мухбирига мазкур ҳужжатга киритилаётган ўзгартишларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.*

– Ўзбекистонда инвесторлар учун қулай инвестиция муҳити, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, – деди Е.Каньязов. – Иқтисодийимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг йилдан-йилга ўсиб бораётгани ҳам бундан далолат беради.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, иқтисодийни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва ҳаётга жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодийимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислохотларининг орта қайтмаслиги кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимиз инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида элликка яқин икки томонлама шартнома имзолади, ушбу соҳада қатор кўп томонлама халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилди.

Инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, инвестицияларга етказилган зарарни қоплаш, инвестицияларни хорижга эркин кўчириш масалаларини ўз ичига олган мазкур шартномалар инвестициялар билан боғлиқ низоларни ҳал этиш масалаларини ҳам тартибга солмоқда.

– Инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал этиш механизми нималардан иборат ва халқаро амалиётда бу борада қандай аниқ мисоллар бор?

– Узоқ муддатли хўжалик муносабатларини амалга ошириш жараёнида турли низолар юзага келиши мумкин.

Одатда, халқаро майдонда томонлар ўртасида чет эл инвестициялари билан боғлиқ барча низоли улар ўртасида

музокаралар ўтказиш, келишув мавжуд бўлмаган тақдирда эса инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат судлари ёки халқаро ҳакамлар судида (арбитраж) кўриб чиқиш орқали ҳал этиш қабул қилинган. Бунда ҳар икки томоннинг ҳакамлар судига бундай низоли тақдим этиш учун ёзма равишда розилик бериши ўзига хос хусусият ҳисобланади.

Давлатлар ва чет эллик шахслар ўртасидаги инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги конвенциянинг 25-моддаси халқаро ҳакамлар судидан ёзма равишдаги розилик мавжуд бўлгандагина фойдаланиш мумкинлигини тасдиқлайди. Унда Инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказ аҳдлашаётган давлат ёки бошқа аҳдлашаётган инвестор ўртасида бевосита инвестициялар билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқий низоларни ҳал этиш, бунда низо иштирокчилари уни марказга кўриб чиқиш учун ёзма розилик берган тақдирдагина амалга ошириш ваколатига эга экани қайд этилган.

Бундай розилик, одатда, давлатлар ўртасида тузиладиган шартномалар ёки инвестор ва инвестицияларни қабул қиладиган давлат ўртасидаги шартнома доирасида қайд этилади. Бу, шунингдек, ўз фуқароларининг бошқа давлат ҳудудидаги инвестицияларини ҳимоя қилиш, бундай шартномани тузишга интилаётган мамлакатларни рағбатлантиради. Барча ҳолатда инвестицияларни қабул қиладиган давлатнинг маълум бир низоли ҳакамлар судига бериш тўғрисидаги розилигини олиш мажбурий ҳисобланади.

– Ўзбекистонда инвестиция билан боғлиқ низолар қандай тартибда ҳал этилмоқда?

– Мамлакатимиз инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида қатор шартномалар иштирокчиси ҳисобланади. Бу шартномалар

инвестиция киритиш бўйича қулай тартиб ўрнатишдан ташқари, инвестицияларни қабул қилувчи давлат билан низолар юзага келган ҳолатда инвесторнинг мулкка эгаллик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тартибга солидиган нормаларни ҳам ўз ичига олади. Хусусан, Ўзбекистон имзолаган қатор шартномаларда инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳакамлар судига Инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказ (Вашингтон), Халқаро савдо палатаси ҳузуридаги Халқаро ҳакамлар суди (Париж), Стокгольм савдо палатаси ҳузуридаги Ҳакамлар суди (Стокгольм) қоидалари бўйича ёки бошқа мунтазам фаолият кўрсатадиган ҳакамлар суди ёхуд «ad hoc» ҳакамлар судига (маълум бир низоларни ҳал этиш учун махсус ташкил этиладиган ҳакамлар суди) тақдим этиш имконияти кўзда тутилган.

Бундан ташқари, инвесторлар инвестиция билан боғлиқ низоларни Ўзбекистон Республикаси билан махсулотни тақсимлаш тўғрисида тузиладиган шартномалар, концессион ёки инвестиция шартномалари доирасида ҳал этиш тартибини кўзда тутиш имконига ҳам эга. Мамлакатимиз 1995 йилдан буён 1958 йил 10 июнда қабул қилинган Чет эл ҳакамлар суди қарорларини томон олиш ва ижро этиш тўғрисидаги Нью-Йорк конвенцияси аъзосидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал этишнинг умумэтироф этилган халқаро ҳуқуққа тўлиқ мос келадиган бир қанча йўналишлари мавжуд. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатадики, айрим чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳани тартибга солидиган қонунчилигини нотўғри талқин қиладиган ҳолатлар ҳам кузатишмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 10-моддасида томонлар инвестициялар билан боғлиқ низоли ҳал қилишга эриша олмасалар, бундай низо Ўзбекистон Республикасининг хўжалик суди томонидан ёхуд ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартибларига мувофиқ ҳал этилиши лозимлиги белгиланган.

Бундан кўришиб турибдики, юқорида

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



«МЕРСЕДЕС»ЛАР ЯНА 100 ТАГА КЎПАЙДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 3.05.2013 йилдаги 119-сон қарори билан пойтахтдаги йўловчи автобуслари паркинни замонавий ва қулай транспорт билан янгилашга доир чора-тадбирлар тасдиқланди.



Ҳужжат билан 2013 йилда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси билан «ЭвоБус ГмБХ» фирмаси (Германия) ўртасида тузилган 14 млн евролик «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» русумидаги 100 та шаҳар йўловчи автобуслари, уларга эҳтиёт қисмлар ва диагностика ускуналари етказиб бериш шартномаси маъқулланди. У Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 15 йилга берилган, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан қайта молияланган кредити ҳисобига тўлиқ маблағ билан таъминланади. Асосий қарзни сўндириш, фоизлар ва кредитга хизмат кўрсатишга доир воситачилик ҳақлари тўланиши харид қилинаётган автобуслардан фойдаланувчи ташкилотлар давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

30 та йўловчи автобуси августда, яна 20 таси – сентябрда, қолган 50 таси – октябрда, эҳтиёт қисмлари ва диагностика ускуналари – 31 декабрда етказиб берилади. Уларнинг етказиб берилиши божхона тўловларидан озод этилган (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно). Шунингдек улар қўшилган қиймат солиғи солиш объекти ҳисобланмайди.

БАНКНИ БЕШ ЙИЛДА БИР МАРТА ТЕКШИРАДИЛАР

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарори (АВ томонидан 6.05.2013 йилда 1573-б-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида низога қўшимчалар киритилди. У хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятининг режали текширувлари назорат қилувчи органлар томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарорига кўра 5 йилда кўпи билан бир марта амалга оширилишини белгиловчи меъёр билан тўлдирилди.

Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишув тузмасдан туриб амалга ошириладиган Назорат қилувчи органларнинг назорат функциялари рўйхати кенгайтирилди. Киритилган қўшимчаларга мувофиқ ИИВнинг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг ҳудудий органлари Кенгаш билан келишмасдан мулкчилик шаклидан қатъи назар барча, шу жумладан йўловчилар ташиш билан шуғулланадиган автотранспорт корхоналарида

*Материал қисқартирилган ҳолда тақдим этилмоқда.

ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИКДА ГАП КЎП

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан киритилган қонун лойиҳаси мамлакатимиз парламентининг Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда кўриб чиқилди.


Магистрал ва шаҳар коммунал тармоқларига (нефть ва газ қувурларига ва водопроводларга, электр тармоқлари ва иссиқлик трассаларига) қонунга ҳилоф равишда уланиб олиш билан боғлиқ ҳолатлар (кўплаб) содир бўлаётганлиги мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишига сабаб бўлди. Ана шу коммуникацияларнинг барчаси мамлакатимиз ҳаётий фаолиятининг стратегик жиҳатдан муҳим объектлари бўлиб, руҳсат этилмаган тарзда уланиб олиш билан улардан ресурслар ўғирлаш ва талон-торож қилиш қабиҳона ҳаракат бўлиб, аҳоли саломатлигига таҳдид солишидан ташқари давлат иқтисодига, афсоҳиётга зарар етказиши.

Зотан бундай тажовузкорона ҳаракатлар одатда нефть сиб афсоҳиётни булғатиши, газ ҳавога учиб кетиши, магистрал тармоққа шикаст етиши билан биргалликда кечади. Бошқача қилиб айтганда, ўзгалар мол-мулкини қасддан нобуд этиш ва экологияни бузиш ҳоллари содир бўлади. Маҳаллий миқёсдаги техноген фалокатларга, одамлар ҳаётига зомин бўладиган ҳалокатларга омил яратиш беради.

Масалани чуқур ўрганиш ва амалиётни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бундай жиноятларнинг аксарият қисми нефть ва газ қувурлари, электр тармоқлари ва бошқа ком-

муникацияларга эмин-эркин, беҳадик уланиб олиб фойдаланавериш оқибаида, қонунга ҳилоф тарзда қувурни қирқиб уланиб (улаб) олиш ҳолларини аниқлаш устидан назоратнинг ишончли ва замонавий тизими йўқлиги натижасида содир бўлмоқда. Коммуникация тармоқларининг бағоят узунлиги туфайли бундай қоидабузарликларни тезкорлик билан аниқлаш ҳам қийин.

Бу йўсиндаги ғайриқонуний қилмишларга нисбатан ҳуқуқий чоралар етарлича ишланмаганлиги ҳам яққол сезилиб қолмоқда. Бундай жиноятлар амалдаги қонун ҳужжатларимизда Жиноят кодексининг 169-моддаси иккинчи қисми (анча миқдорда ўғирлик) ва 173-моддаси иккинчи қисми (ўзгалар мол-мулкига катта зарар етказган ҳолда қасддан шикаст етказиш) билан малакаланади. Бу ҳозирги



қонунга юқорида зикр этилган жиноятларнинг оғирлигига муносоиб эмас. Чет эл мамлакатларининг ўрганиб чиқилган ҳуқуқий қўллаш амалиёти шундан далолат берадики, бу йўсиндаги жиноятларга миллий қонун ҳужжатларимизда назарда тутилганидан анчагина қаттиқроқ жавобгарлик ва жазо белгиланмоқда.

Шу муносабат билан Жиноят кодекси 169-моддасининг учинчи қисмини нефть ва газ қувурларига руҳсат берилмаган ҳолда уланиб олганлик учун янада қаттиқроқ жиноий жавобгарлик назарда тутилган 3-банд билан тўлдирдиш таклиф этилмоқда. Шунингдек ҳуқуқий ихтилофдан холи бўлиш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мазкур модда диспозицияси аниқлаштирилиши ва табиий газдан қонунга ҳилоф тарзда фойдаланишни чеклаш таъминланмоқда.

Парламент қуйи палатаси ушбу қонун лойиҳасини кўриб чиқишда Беларусь, Қозоғистон, Россия, Туркменистон ва Украина сингари хориж мамлакатларининг тажрибасини ҳам ўрганиб чиқди. Қонун ижодкорлари томонидан тайёрланган, чет эл ва миллий қонун ҳужжатлари қоидаларининг тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистонда қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги таклифларга асосланган таҳлилий-қиёсий жадваллари ҳам инobatта олинди.

Тўлқин ТУРСУНОВ,
Полянте СВЕШНИКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари.

БИЗНИНГ АНОНС**КАДРЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ – БИЗНЕСНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ**

23–24 майда Тошкентда «Кадрларнинг муваффақияти – бизнеснинг муваффақияти» халқаро HR-форуми ўтказилади.

Унинг ташкилотчиси «SAIPRO» ахборот-рейтинг агентлиги бўлиб, у сўғурталаш, лизинг, маркетинг, реклама ва PR бўйича Тошкент халқаро анжуманлари, инвестиция-молия анжумани каби йиллик кенг миқёсли бизнес тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказишда катта тажрибага эга.

Бироқ ходимларни бошқарувчи мутахассислар, меҳнат бозори таҳлилчилари ва экспертларини тажриба алмашиш учун бирлаштиришга йўналтирилган бундай миқёс ва даражадаги тадбир мамлакатимизда биринчи марта ўтказилмапти.

Унинг асосий мақсади – меҳнат бозорини ривожлантириш, бизнес юретишнинг ҳозирги шароитида ходимларни бошқаришнинг самарали стратегияси, давлат, олий ўқув юртли ва иш берувчиларнинг мамлакат кадр салоҳиятини тайёрлашга оид саъй-ҳаракатларини интеграциялашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун ягона мунозара майдончасини барпо этиш.

Мамлакатимиздаги ва халқаро энг йирик компанияларнинг топ-менежерлари, ходимларни бошқариш бўйича директор ва менежерлар, меҳнат ва аҳоли бандлиги масалалари бўйича давлат органларининг раҳбарлари ҳамда ваколатли вакиллари, мамлакатдаги


етақчи олий ўқув юртлининг ректорлари, меҳнат бозорининг таҳлилчилари ва экспертлари, бизнес-тренерлар ва кадр бўйича маслаҳатчилар Анжуманнинг асосий аудиториясини ташкил этади.

Анжуман ишида HR-бренднинг ва ходимларни бошқаришнинг замонавий технологиялари соҳасидаги чет эллик малакали мутахассислар иштирок этадилар. Анжуман иштирокчиларини HR-бренднинг самарали

ли дастаклари ва афзалликлари тўғрисида маҳорат дарси кутади, уни иш берувчининг брендинги соҳасида жаҳон эксперти деб эътироф этилган, Employer Brand International компаниясининг асосчиси ва бошқарувчиси Бретт Минчингтон олиб боради.

Анжуман сессияларида ҳозирги меҳнат бозорининг ривожланиш тамойиллари, янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳолини ишга жойлаштириш бўйича давлат сиёсати, HR-стратегиянинг компаниялар бизнес стратегиясига интеграциялашнинг жараёнлари, ходимларни қувватлаш, ўқитиш ва ривожлантириш усуллари, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва бошқа мавзуларни муҳокама қилиш режалаштириляпти. Етақчи иш берувчилар ёш мутахассисларни самарали жалб этиш, хусусан, олий ўқув юртли битирувчиларини танлаш, мослаш ва қувватлаш тажрибаси билан ўртоқлашадилар. Мамлакатимиздаги етақчи олий ўқув юртлининг ректорлари эса талабалар ҳозирги меҳнат бозорини долзарб бўлган йиллик ва кўникмалар олиши учун бизнес билан ҳамкорлик қилиш мисоллари тўғрисида ҳикоя қиладилар.

Анжуман доирасида Олий ўқув юртлирида мансаб куни ва «Турфа иш» бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилади. Ушбу тадбир иш берувчи компанияларга иш қидираётган мутахассислар билан, шу жум-



ладан олий ўқув юртлининг битирувчилари ва талабалари билан бевосита мулоқотда бўлиш, уларга мансабда ўсиш истиқболлари тўғрисида ҳикоя қилиш ҳамда иш учун фаол, қобилиятли, ривожланиш ва муваффақият қозонишни кўзда тутилган одамларни танлаб олиш имконини беради. Талабгор мутахассислар учун бу – мамлакатнинг етақчи компаниялари «эшигини очиш», эълон қилинган бўш иш ўринлари, иш ўрганиш дастурлари, қисман ва вақтинча ишда банд бўлиш режимида ишга жойлаштириш таклифлари билан танишиш имкониятидир.

Олий ўқув юртлиари мансаб куни ва Бўш иш ўринлари ярмаркасида иш қидиришдан манфаатдор бўлган 5 000 дан 10 000 нафарга қадар талабгорнинг иштирок этиши кутиляпти.

Тадбирнинг hr.saipro.uz манзили бўйича расмий сайтида Анжуман тўғрисида янада тўлиқроқ ахборот олишингиз; шунингдек иштирок этишга буюртманомга тўлдиршингиз мумкин.

«SAIPRO» ахборот-рейтинг агентлигининг хабаридан.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	20.05.2013	1	0,7847	1	1,0083	1	0,0249
Арманистон	18.05.2013	1	417,05	1	537,20	1	13,28
Беларусь	20.05.2013	1	8670,00	1	11150,00	1	276,00
Грузия	20.05.2013	1	1,6360	1	2,1049	100	5,2113
Қозоғистон	20.05.2013	1	150,95	1	194,17	1	4,80
Қирғизистон	20.05.2013	1	48,2827	1	62,1036	1	1,5380
Латвия	20.05.2013	1	0,546000	1	0,702804	1	0,017400
Литва	20.05.2013	1	2,6836	1	3,4528	1	0,0854
Молдова	20.05.2013	1	12,3775	1	15,8915	1	0,3937
Россия	18.05.2013	1	31,3931	1	40,3747	—	—
Тожикистон	20.05.2013	1	4,7557	1	6,0776	1	0,1528
Украина	20.05.2013	100	799,3000	100	1028,6192	10	2,5461
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 21 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2034,08	1 Польша злотийси	640,07
1 Англия фунт стерлинг	3159,06	1 СДР	3099,01
1 Дания кронаси	358,26	1 Туркия лираси	1129,37
1 БАА дирҳами	565,74	1 Швейцария франки	2146,39
1 АҚШ доллари	2077,92	1 ЕВРО	2687,37
1 Миср фунти	297,87	10 Жанубий Корея вони	18,61
1 Исландия кронаси	16,87	10 Япония иенаси	202,49
1 Канада доллари	2021,52	1 Россия рубли	66,19
1 Хитой юани	338,44	1 Украина гривнаси	259,97
1 Малайзия ринггити	688,85		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмага

УШБУ СОҒДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР
– Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолатланган
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
✓ ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА
– Қонунга итоаткорликда гап кўп
– Кадрларнинг муваффақияти – бизнеснинг муваффақияти
– Валюталар курси

2-бет

✓ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
– Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.
Идоравий-меъёрий ҳужжат
– ЎЗР ТИАИСВ, ИВ, ТИВ, ДСҚ, ДБҚнинг «Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чет элда ташкилотлар ташкил этиш ёки уларнинг устав фонди (капитали)да улуш билан иштирок этиш тўғрисида хабардор этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2013 йил 11 майдан 17 майгача бўлган маълумот.
✓ НАЗОРАТ
– 2013 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш режа-жадвали
✓ КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН
– Газ билан ҳазиллашиб бўлмайд

8-бет

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ

– ЎЗР ТИАИСВ, ИВ, ТИВ, ДСК, ДБКнинг «Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чет элда ташкилотлар ташкил этиш ёки уларнинг устав фонди (капитали)да улуш билан иштирок этиш тўғрисида хабардор этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

• МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 11 МАЙДАН 17 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ОЛИБ КИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 20 майдаги 20 (572)-сон, 253-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» 2013 йил 29 январдаги ПҚ-1913-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2013 йил 1 июлдан бошлаб давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, фақат товарнинг бир қисми бўлган ва унинг қийматига кирувчи истеъмол упаковкисада (идишда) бевосита чакана савдога тушувчи товарлар мажбурий тартибда маркировка қилинади.

2. Белгилансинки, ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилида мажбурий тартибда маркировка қилинадиган:

2013 йил 1 июлгача «вақтинча сақлаш» божхона режимида жойлаштирилган ва 2013 йил 1 июлдан кейин эркин муомалага чиқарилган истеъмол товарлари давлат тилида маркировка қилинмасдан чакана савдо тармоғида 2014 йил 1 январгача сотилиши мумкин;

2013 йил 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилган истеъмол товарлари давлат тилида маркировка қилинмасдан чакана савдо тармоғида 2014 йил 1 январгача сотилиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат тилида маркировка қилинган ва 2013 йил 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилган истеъмол товарлари давлат тилидаги ушбу маркировка билан чакана савдо тармоғида 2014 йил 1 январгача сотилиши мумкин.

3. Мажбурий тартибда давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган, импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турлари маркировка қилинмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилиши тақиқлансин.

Мажбурий тартибда давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган, импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турлари маркировка қилинмасдан сотилиши ҳолларига, қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўрилган ҳолда, савдо қоидаларини бузиш (ҳужжатлари мавжуд бўлмаган товарларни сотиш) сифатида қаралсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан мажбурий тартибда давлат тилида маркировка қилишга доир талаблар аҳолига сотиш учун мўлжалланмаган ҳамда:

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариш ёки бошқа тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган истеъмол товарларига;

хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари, халқаро ва Ҳукуматлараро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг ушбу ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар томонидан расмий тарзда (хизмат доирасида) фойдаланиш учун, шунингдек уларнинг ходимлари учун олиб кириладиган истеъмол товарларига;

кўргазма намуналари, синовлар, тадқиқотлар ва маркетинг учун намуна сифатида олиб кириладиган истеъмол товарларига татбиқ этилмайди.

5. Истеъмол идишига қўйиладиган маркировкада маркировка қилинадиган товар тўғрисида қуйидаги тусдаги маълумотлар бўлиши керак:

асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан ўзига хос хусусиятлар рўйхати;

товарларнинг айрим турлари ишлаб чиқарилган сана;

товарларнинг айрим турларини ишлаб чиқарувчининг (бажарувчининг) кафолат мажбуриятлари;

товарларнинг айрим турларидан самарали ва хавфсиз тарзда фойдаланиш қоидалари ва шартлари;

товарни ишлатиш (унинг яроқлилик) муддати ҳамда истеъмолчининг ушбу муддат тугагандан кейинги зарур хатти-ҳаракатлари, шунингдек кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатлар бажарилмаган тақдирда юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқарувчининг (бажарувчи, сотувчининг) ва истеъмолчидан даъволарни қабул қилиш юзасидан улар томонидан ваколат берилган, шунингдек таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажарувчи корхоналарнинг манзиллари;

сақлаш, хавфсиз утиллатириш усуллари ва қоидалари.

Товар маркировкаси (этикетка, бирка, лейбл)да ва истеъмолчи учун фойдаланишга доир илова ҳужжатларидаги ахборот, товарнинг тури ва техник жиҳатдан мураккаблигига қараб, бевосита муайян товарга матн кўринишидаги ҳужжат (паспорт, формуляр, қўллаш учун кўрсатма ва бошқалар) сифатида илова қилиниши керак.

Генетик модификация қилинган маҳсулотлардан олинган товар маркировкасида бу ҳақда тегишли маълумотлар бўлиши керак.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ қарорлари 2013 йил 1 июлдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

*1-илова берилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2013 йил 13 май
127-сон.

ЎзР ВМнинг 2013 йил 13 майдаги 127-сон қарорига
2-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI XUKUMATINING 2013 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН БОШЛАБ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ХИСОБЛАНАЁТГАН ҚАРОРЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорининг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 47-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида» 2002 йил 5 декабрдаги 427-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 12-сон, 75-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 12 августдаги 196-сон қарорига 2-илованинг 22-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 8-сон, 43-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-823-сон қарори)» 2008 йил 7 майдаги 90-сон қарорига 1-илованинг 9-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 5-сон, 17-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2012 йил 14 сентябрдаги 271-сон қарорига илованинг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 9-сон, 68-модда).

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ,
ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ, ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ЮРИДИК ШАХСЛАРИ ТОМОНИДАН ЧЕТ ЭЛДА ТАШКИЛОТЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ЁКИ УЛАРНИНГ УСТАВ ФОНДИ (КАПИТАЛИ)ДА УЛУШ БИЛАН ИШТИРОК ЭТИШ ТЎҒРИСИДА ХАБАРДОР ЭТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилган.

Рўйхат рақами 2457

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 20 майдаги 20 (572)-сон, 267-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 148-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги ПФ-2612-сон «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 9 августдаги 189-сон «Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатларидаги савдо-инвестиция уйла-

ри орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 32-33-сон, 246-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чет элда ташкилотлар ташкил этиш ёки уларнинг устав фонди (капитали)да улуш билан иштирок этиш тўғрисида хабардор этиш тартиби ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

*Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири*

Э.ГАНИЕВ.

9-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси

Б.ПАРПИЕВ.

2013-22-сон

Иқтисодиёт вазири

Г.САЙДОВА.

24-сон

Ташқи ишлар вазири

А.КАМИЛОВ.

12-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси

З.ДУСАНОВ.

01-02/19-28-сон

Тошкент ш., 2013 йил 27 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ ТОМОНИДАН ЧЕТ ЭЛДА ТАШКИЛОТЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ЁКИ УЛАРНИНГ УСТАВ ФОНДИ (КАПИТАЛИ)ДА УЛУШ БИЛАН ИШТИРОК ЭТИШ ТЎҒРИСИДА ХАБАРДОР ЭТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 148-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги ПФ-2612-сон «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 9 августдаги 189-сон «Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатларидаги савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 32-33-сон, 246-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чет элда ташкилотлар ташкил этиш ёки уларнинг устав фонди (капитали)да улуш билан иштирок этиш тўғрисида хабардор этиш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
чет элдаги ташкилот — хорижий мамлакатларда юридик шахс сифатида ёки таъсис этилган давлат қонунчилигида назарда тутилган бошқа шаклда таъсис этилган ташкилот, шу жумладан савдо уйи, ваколатхона, филиал, ташкилот;
таъсисчи — Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган юридик шахс;

чет элда ташкилот ташкил этиш — таъсисчи томонидан чет элдаги ташкилотни ташкил этиш ёки чет элдаги ташкилотнинг устав фонди (капитали)да улуш билан иштирок этиш;
ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги.

2. Таъсисчилар ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш мақсадида, ташкил этиладиган давлат ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ, чет элда ташкилотлар ташкил этиш ҳуқуқига эга.

3. Таъсисчилар чет элдаги ташкилотни таъсисчининг таъсис ҳужжатларига асосан, ваколатига чет элда ташкилот ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш кирадиган бошқарув органи қарорига асосан ташкил этишади.

Бунда, таъсисчи чет элдаги ташкилотнинг устав фонди (капитали)даги ўз улушини товарлар билан шакллантиришда, божхона органларига қуйидагиларни тақдим этган ҳолда, товарларни чет элдаги ташкилот устав фонди (капитали)даги ўз улушини шакллантириш ҳисобига «вақтинча олиб чиқиш» божхона режимига расмийлаштиради (товарларни олиб ўтишнинг хусусиятлари «товарларни инвестиция сифатида олиб чиқиш» сифатида кўрсатилади):

чет элда ташкилот ташкил этиш тўғрисида қарор;

давлат солиқ хизмати органларининг таъсисчининг бюджет олдида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи бор ёки йўқлиги тўғрисидаги маълумотномаси.

4. Таъсисчи чет элдаги ташкилотни ташкил этиш давлати қонунчилигига мувофиқ ташкил этиш давлатининг рўйхатдан ўтказувчи органида давлат рўйхатидан ўтказди.

5. Давлат мулкчилиги шаклидаги юридик шахслар томонидан чет элда корхоналар ташкил этиш, устав фондида

иштирок этиш, қайта ташкил этиш ва корхоналарни тугатиш, чет эллардаги давлат мулкани сотиб олиш ва тасарруф этиш масалаларини келишиш ҳамда чет элдаги давлат мулкани сақланиши ва уларнинг самарали бошқарилиши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1488, 2005 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 27-сон, 195-модда) мувофиқ давлат корхонаси Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда чет элда ташкилот ташкил этиши мумкин.

2-БОБ. ЧЕТ ЭЛДА ТАШКИЛОТ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА ХАБАРДОР ЭТИШ

6. Чет элдаги ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин таъсисчи бир ой ичида ваколатли органни ушбу ҳақида чет элда ташкил этилган ташкилотнинг тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги аккредитациядан ўтган жойи бўйича дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармаси томонидан легализация қилинган таъсис ҳужжатларини тегишли таржимаси билан бирга юборган ҳолда хабардор қилади.

Легализация, агар:

ҳужжатларга апостиль қўйилган бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида, бир аҳдлашувчи томоннинг ҳудудида махсус муассаса ёки ваколатли шахс томонидан тайёрланган ёки гувоҳлантирилган, уларнинг ваколати доирасида ва белгиланган шаклда ва гербли муҳр билан тасдиқланган бўлса, бошқа аҳдлашувчи томоннинг бирон-бир махсус гувоҳлантиришсиз қабул қилиниши белгиланган бўлса, талаб этилмайди.

7. Ваколатли орган чет элдаги ташкилотнинг тақдим этилган таъсис ҳужжатлари асосида таъсисчилар томонидан ташкил этилган чет элдаги ташкилотлар реестрини шакллантиради ва юритади.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-санасидан кечикмай, ваколатли органга мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда чет элдаги ташкилотлар манзилига товарлар жўнатган таъсисчилар тўғрисида маълумотни тақдим этади.

9. Ваколатли орган ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасидан кечикмай, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасига чет элда ташкилотлар ташкил этилганлиги тўғрисида хабар юборган таъсисчилар рўйхатини (зарур бўлганда — электрон шаклда) тақдим этади.

10. Давлат божхона хизмати органлари ваколатли орган томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан устав фонди (капитали)ни шакллантириш ҳисобига олиб чиқилган товарларни «экспорт» божхона режимига қайта расмийлаштирадilar.

11. Қайта расмийлаштириш жараёнидан сўнг таъсисчи чет элдаги ташкилотнинг устав фонди (капитали)ни шакллантириш учун юборилган товарларни қайтариш мажбуриятдан озод этилади.

12. Чет элдаги ташкилотнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, у қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда, шунингдек чет элдаги ташкилотнинг таъсисчилари, шу жумладан хорижий таъсисчилари ўзгарганда таъсисчи бир ой ичида ваколатли органни тегишли ҳужжатларни юборган ҳолда хабардор этади.

3-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13. Таъсисчилар ваколатли органга чет элдаги ташкилотнинг у ташкил этилаётган давлатдаги рўйхатдан ўтказиш ва унинг устав фонди (капитали)да улуш билан иштирок этиш

тартиби тўғрисида маълумот олиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

14. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-санот палатаси билан келишилган.

*Савдо-санот палатаси раиси А.ШАЙХОВ.
2013 йил 25 март.*

*Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чет элда ташкилотлар ташкил этиш ёки уларнинг устав фонди (капитали)да улуш билан иштирок этиш тўғрисида хабардор этиш тартиби ҳақидаги низомга
ИЛОВА*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ВАКОЛАТЛИ ОРГАНГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ЧЕТ ЭЛДАГИ ТАШКИЛОТЛАР МАНЗИЛИГА ТОВАРЛАР ЖЎНАТГАН ТАЪСИСЧИЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

(20__ й. _____ — _____ даври учун)

№	Таъсисчи (экспорт қилувчи)	Таъсисчининг (экспорт қилувчи) СТИРи	Чет элдаги ташкилот номи	Импорт қилувчининг давлати	Контракт санаси	Контракт рақами	Товар номи
---	----------------------------	--------------------------------------	--------------------------	----------------------------	-----------------	-----------------	------------

Жадвалнинг давоми

Устав фонди (капитали) ҳисобига	ТИФ ТН коди	Ўлчов бирлиги	Сони	Қиймати (АҚШ долларларида)	Божхона юк декларацияси маълумот рақами	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг хабарнома рақами	Чет элдаги ташкилот манзилига ушбу таъсисчи томонидан охири марта товарни жўнатиш санаси
---------------------------------	-------------	---------------	------	----------------------------	-----------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 11 МАЙДАН 17 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 175-сонли буйруғи.

2013 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456.

2. «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисоб-варақлари режасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 26 апрелдаги 9/3-сонли қарори.

2013 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1639-2.

3. «Почта ва телекоммуникация ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 25 апрелдаги 25-Б-сонли буйруғи.

2013 йил 16 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1965-1.

4. «Маълумотларни узатиш тармоқларида Интернет-провайдерларнинг тармоқлараро ўзаро ҳамкорлигини тартибга солиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 22 апрелдаги 19-мқ-сонли қарори.

2013 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1423-2.

5. «Давлат органлари ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлашти-

риш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 22 апрелдаги 18-мқ-сонли қарори.

2013 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1646-2.

6. «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 12 апрелдаги 16-мқ-сонли қарори.

2013 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-2.

7. «Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан хорихда корхоналар тузиш ёки уларнинг устав фонди (капитали)да улушли иштирок этишини маълум қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 27 мартдаги 8, 23, 11, 32, 2013-21, 01-02/19-27-сонли қарори.

2013 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1012-2.

8. «Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чет элда ташкилотлар ташкил этиш ёки уларнинг устав фонди (капитали)да улуш билан иштирок этиш тўғрисида хабардор этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 27 мартдаги 9, 24, 12, 2013-22, 01-02/19-28-сонли қарори.

2013 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2457.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

«Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан хорихда корхоналар тузиш ёки уларнинг устав фонди (капитали)да улушли иштирок этишини маълум қилиш тўғрисидаги низом», 1-сон ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1012, 2001 йил 27 февраль), (рўйхат рақами 1012-1, 2004 йил 18 ноябрь). Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2013 йил 17 майдаги 140-мқ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ КАФОЛАТЛАНГАН

1-бетда

келтирилган норма фақат инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал этишнинг мумкин бўлган вариантларини белгилайди ва унда давлатнинг инвестиция билан боғлиқ маълум бир низони ҳакамлар судига тақдим этиши бўйича розилигини олиш кўзда тутилмаган.

Мазкур нормани тўғри шарҳлашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди 2006 йил 20 ноябрда ушбу нормага расмий шарҳ берди.

Ушбу ҳужжатда Конституциявий суд томонидан Қонуннинг 10-моддаси мамлакатимизнинг инвестиция билан боғлиқ муайян низони халқаро ҳакамлар судига ҳал этиш учун тақдим этиш бўйича розилигини аниқлаш аниқ изоҳлаб берилган.

– Қонуннинг 10-моддасига аниқликлар киритиш зарураги қандай асосларга эга?

– Конституциявий суд томо-

нидан расмий шарҳ берилганига қарамай, афсуски, бугун айрим инвесторлар мазкур моддани нотўғри талқин қилаётган ҳолатлар учрамоқда. Улар буни Ўзбекистон Республикасининг инвестиция билан боғлиқ ҳар қандай низони ҳакамлар суди, масалан, Инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказга тақдим этишга розилиги сифатида қабул қилмоқда. Мазкур ҳолат чет эл инвестициялари оқимини таъминлашга интилаётган ҳар қандай давлат сингари Ўзбекистонни ҳам ташвишга солади, албатта. Зеро, мамлакатимиз истикполнинг дастлабки кунларидан ўз қонунчилигини имкон қадар қўллаш учун очиқ ва тушунарли бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Шу муносабат билан жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қонуннинг 10-моддасига ўзгартишлар киритишни кўзда тутадиган қонун лойиҳасини Олий Маж-

лисга кўриб чиқиш учун тақдим этишни режалаштирмоқда. Чунончи, 10-модданинг биринчи қисми мамлакатнинг инвестиция билан боғлиқ муайян низони халқаро ҳакамлар судига ҳал этиш учун тақдим этиш бўйича розилигини аниқлаш кўзда тутилмоқда.

Бироқ бу Ўзбекистонда инвестиция билан боғлиқ ҳеч бир низо халқаро ҳакамлар судига кўриб чиқилмайди, дегани эмас. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон қонунчилигида низоларни ҳакамлар судига давлатлар, давлат ва инвестор ўртасида тузиладиган икки томонлама шартномалар орқали тақдим этишга ёзма розилик беришнинг турли вариантлари кўзда тутилган.

Шуни алоҳида қайд этмоқчиманки, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан мақсад Қонун 10-моддасининг мазмунини ўзгартириш ёки чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини

чеклаш эмас, балки унга аниқлик киритишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикасининг розилик бериш масаласи ҳар бир ҳолатда кўриб чиқиши ва бу розилик ёзма равишда ифодаланиши керак. Шундай экан, мамлакатимиз халқаро ҳакамлар судига розилик бериши учун бу ҳолат унинг икки томонлама ёки кўп томонлама инвестиция шартномалари ёхуд битимларида қайд этилиши лозим.

– Қонун лойиҳасида чет эллик инвесторлар учун қандай афзалликлар кўзда тутилган?

– Таклиф этилаётган ва чет эллик инвесторлар манфаатларини тўлиқ ифода этадиган мазкур қонун лойиҳаси уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш ва Ўзбекистон билан муносабатларда бирон-бир ноаниқликларни истисно этувчи қонунчилигимизни улар томонидан тўғри тушунилишини таъминлашга қаратилган.

Мазкур Қонун лойиҳаси чет эл инвестициялари соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг асосий стандартларига мос келади. Зеро, бу стандартлар давлатни чет эллик инвесторлар билан муносабатларда очиқ-ошкора ҳаракат қилиши, жумладан, улар инвестиция фаолиятини тартибга соладиган барча қоида ҳамда нормалардан олдиндан хабардор қилишни таъминлайди.

Таклиф этилаётган ўзгартишлар миллий қонунчилигимизнинг очиқ-ошқоралигини ва Ўзбекистон Республикасига сармоя киритган ёки киритиш ниятида бўлган чет эллик инвесторлар унинг қоидаларини тўғри тушунишини таъминлашга ёрдам беради, бинобарин мамлакатимизнинг сармоявий жозибдорлигини оширишга хизмат қилади.

ЎЗА мухбири
М.МАМЕТОВА
суҳбатлашди.


ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

йилига кўпи билан бир мартаба ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва профилактик тадбирлар ўтказилиши учун назорат ўтказишга (молия-хўжалик фаолиятига аралашисиз) ҳақли.

ПЕРСОНАЛ ТАЪМИНОТ ҲАҚИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

Интеллектуал мулк агентлигининг буйруғи (АВ томонидан 7.05.2013 йилда 1402-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига қўшимча киритилди.



Унга кўра рўйхатдан ўтказиш учун ҳақ миқдорлари ва уни тўлаш муддатлари, тўловдан озод қилиш, тўлов миқдорларини камайтириш ёки уни қайтариш асослари, шунингдек рўйхатдан ўтказиш ҳақи суммасидан фойдаланиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

ЛАБОРАТОРИЯГА УЧ КУН МУҲЛАТ БЕРДИЛАР

Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 8.05.2013 йилда 1269-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарлар пробалари ва намуналари билан божхона органлари тизимида муомала қилиш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартиришлар киритилди. Улар билан божхона лабораториясида текширишлар ўтказиш муддати ўзгартирилди. Эндиликда пробалар (намуналар) қабул қилиб олинган вақтдан бошлаб уларни божхона лабораториясида тадқиқ қилиш:

тегишли божхона режимларида расмийлаштирилган товарларнинг пробалари (намуналари) учун 3 иш кунидан;

суд экспертизалари билан боғлиқ ҳоллар учун 30 иш кунидан ошиб кетмаслиги керак.

Илгари пробалар (намуналар)ни текшириш 5 иш кунидан ошмаслиги керак эди. Агар уни мазкур муддатда бажариб бўлмаса, ДБҚ (ДБҚБ) раҳбарияти билан келишган ҳолда 10 иш кунигача бўлган қўшимча муддат белгиланиши мумкин эди.

ТАЪМИРЛАШ ВА ТЕКШИРИШНИ БИРЛАШТИРИБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 8.05.2013 йилда 1596-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари, синов (ўлчаш) лабораторияларини (марказларини), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органларини аккредитация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Улар билан «аккредитация объекти», «аккредитация олганлик ҳақида гувоҳнома» тушунчаларига тузатиш киритилди. Шунингдек Қоидалар «сифат бўйича эксперт-аудиторни аккредитациялаш», «метрологик хизмат», «Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаш миллий тизими» тушунчалари билан тўлдирилди. Аккредитация баҳолаш ва мувофиқликни тасдиқлаш билан шуғулланувчи объектлар, шунингдек метрология ишлари ва хизматларини амалга оширувчиларнинг асосга эгаллигини тасдиқлаш учун ўтказилади деган аниқлик киритилди.

Қоидаларга метрологик хизматларни аккредитациялаш учун қўшимча талаблар киритилди. Уларга ўлчов

бирлигини таъминлаш бўйича меъёрий ҳужжатларнинг, меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш хоналари ва атроф муҳит шароитларининг, синов ускуналари ва (ёки) ўлчов воситаларининг мавжудлиги, синов ва ўлчовлар натижаларининг бир хиллиги таъминланиши қиради.

Ўлчов воситаларини таъмирлаш билан шуғулланишга даъвогарлик қилувчи метрологик хизматлар уларни текширувчи органлардан мустақил бўлишлари шарт.

Шунингдек Қоидалар сифат бўйича эксперт-аудиторни аккредитациялаш учун умумий мезонлар билан тўлдирилди. У сертификатлаш ва аккредитациялаш бўйича фаолият турларига мувофиқ келувчи олий маълумотга, маҳсулотни стандартлаштириш, сифатини бошқариш, сертификатлаш, аккредитациялаш ва синов соҳасида камида 3 йиллик амалий иш стажига эга бўлиши, аккредитацияловчи орган қабул қилган дастур бўйича махсус таълим олиши керак. Сифат ва уларни тайёрлаш бўйича эксперт-аудиторларга талаблар стандартлаштиришга доир меъёрий ҳужжатларда белгиланади.

Киритилган қўшимчаларга мувофиқ сифат бўйича эксперт-аудиторларни аккредитациялаш ҳужжатларни экспертиза қилиш, талабгорга тест ўтказиш йўли билан баҳо бериш, аккредитациялаш тўғрисида қарор қабул қилиш, Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаш миллий тизими реестрида рўйхатдан ўтказиш ҳамда аккредитация олганлик ҳақида гувоҳномани расмийлаштиришни ўз ичига олади. Уни ўтказиш учун аккредитацияловчи органда доимий ишловчи ишчи гуруҳ тузилади. Сифат бўйича эксперт-аудитор сертификатлаш (аккредитациялаш) бўйича фаолият натижалари тўғрисида йиллик ахборотни тақдим этмаганлиги ва (ёки) ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини мунтазам бузганлиги учун Кенгашнинг қарорига кўра аккредитациядан маҳрум қилиниши ва давлат реестридан чиқарилиши мумкин.

Қоидаларга аккредитацияланган юридик шахс номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда аккредитация олганлик ҳақида гувоҳномани қайта расмийлаштириш тартиби киритилди. Бу ҳолда у аккредитация ўтказмасдан қайта расмийлаштирилади. Бироқ юридик шахс лабораториясининг жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарса, у қўшимча аккредитациядан ўтказилади.

Ҳужжатга яна бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юрисгимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

2013 йил ИЮНЬ ойида

РЕЖА-ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш*

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2012 йил 30 ноябрдаги 2/1-Г-сон қарори билан

ТАСДИҚЛАНГАН.

Кенгашнинг тегишли қарорлари билан режа-жадвалга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Назорат қилувчи орган даражаси

A – туман

B – вилоят

C – республика

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР РЎЙХАТИ

Table with 3 columns: Код, Назорат қилувчи орган номи, Код, Назорат қилувчи орган номи, Код, Назорат қилувчи орган номи. Lists various regulatory bodies and their codes.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ЭЪТИБОРИГА:

- режа-жадвалнинг биринчи устунда текширилаётган хўжалик субъектининг рўйхатдан ўтказилган номи кўрсатилади;
• иккинчи устунда унинг идентификация рақами кўрсатилади;
• учинчи устунда текшириш ўтказабатган назорат қилувчи органнинг рақамли коди ва назорат қилувчи орган даражасининг (республика, вилоят, туман) ҳарфий коди кўрсатилади.

Ишонч телефонлари:

(371) 244-89-46, 244-89-47, 244-98-22.

Table with 3 columns: Корхона номи, СТИР, Текширувчи ўтказишга масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлиналари

Table with 3 columns: Корхона номи, СТИР, Текширувчи ўтказишга масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлиналари

Table with 3 columns: Корхона номи, СТИР, Текширувчи ўтказишга масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлиналари

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Table listing companies in Qashqadaryo region with columns for company name, code, and address.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Bukhara region with columns for company name, code, and address.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Qashqadaryo region with columns for company name, code, and address.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Andijan region with columns for company name, code, and address.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Jizzakh region with columns for company name, code, and address.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Navoiy region with columns for company name, code, and address.

*Текшириш қилувчи органнинг 2013 йил 1 июль текшириш қарори билан ўзгартирилган.

Корхона номи СТИР Текширувчи ўтказишга масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлиmlалари

ХАТИРЧИ тумани МУРТОЗО БОБО ХСД 200026396 1(A), 11(A), 25(A)

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

НАМАНГАН ш. НАМАНГАН ТУМАНЛАРАО СИЧ МЧЖ 200058910 1(A), 11(A), 20(A)
VENAZIR DIZAYN QURILISH MCHJ 301623157 1(A), 11(A), 20(A), 25(A)
OBOD SHAMS QURILISH SHK 300810046 1(B), 20(B), 38(B)
DAMBOG ROYAVZALI SAVDO XK 300817477 1(B), 11(A), 17(B), 20(A)
МИНГБУЛОК тумани МИНГБУЛОК ЧОРВА-ОЗУКА МЧЖ 300848423 1(B), 20(A)
НОРИН тумани НОРИНТЕХСЕРВИС ХФ 202225574 1(A), 11(A), 20(A), 33(B)
ПОП тумани ГОФУРЖОН КУЧКАРОВ ХК 301114379 1(B), 11(B)
ТУРАКУРГОН тумани ЛИМОНЧИЛИК КОМПЛЕКСИ МЧЖ 200096571 1(A), 11(A), 20(A), 25(A), 29(A)
MJBORAK GAZ INVEST MCHJ 205723594 20(B), 33(B), 35(C)
УЙЧИ тумани УЙЧИ НЕФТЬ БАЗА УНИТАР КОРХОНАСИ 204628744 15(B), 20(B), 33(B), 35(C)
УЧКУРГОН тумани МАРЖОНА ОИЛ МЧЖ 204822148 1(B), 17(B), 20(B), 38(B)
ЧОРТОК тумани QURBANOV SHARIFBOY MIRISHKOR 300112248 1(A), 29(A)
ЧУСТ тумани МАТЛ. УЛГ. ЧАК. САВДО ЯАЖ 201713934 1(B), 11(A), 16(B), 17(B), 20(A), 21(B), 38(B)
ЯНГИҚУРГОН тумани НАВКЕНТ ХАМКОРЛИК МАСКАНИ МЧЖ 301056166 1(A), 17(B), 20(A)

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ОҚДАРЕ тумани MEMOR ALISHER KUMUSHKENT XK 301271335 1(A), 2(B), 11(A), 20(A)
БУЛУНГУР тумани ЖУРАБЕК-Н ХФ 203044705 1(A), 20(A)
OVSAFAR BOLBEK QIZI XФ 204885655 1(B), 11(A), 20(A)
КАТТАКУРГОН ш. HALOL BARAKA XK 300994346 1(A), 11(A), 20(A)
САМАРҚАНД ш. ISHONCH MCHJ 202979412 1(A), 20(A)
РЕМОНТНО-СТРОИТЕЛЬНОЕ ПРЕДП. 203136083 1(B), 20(B)
ГИДРОИНДУСТРИЯ УНИТАР КОРХОНАСИ 203678786 1(B), 2(B), 17(B), 22(B), 25(A)
KAMELOT STAR XK 301224653 1(B), 20(B), 22(B)
УЗБЕКНАВО САМ. ОБЛ. ОТД. ЭСТР. ОБ. 202147600 1(A), 20(A)
SAMARQAND RAYVANDQURILISH MCHJ 300492014 1(B), 20(B)
ХАКИМЖОН ЧТФФ 201459079 1(B), 20(B)
FERUZ FAYZ PRODUKT XK 301238120 1(A), 20(A), 22(B)
IBN-SINO MCHJ 203031294 1(B), 11(A), 20(A), 34(C)
УЗКИШЛОХУЖ.-МАШИЛИНГ КОМП. 203815548 1(A), 20(A)
KHOXRUX MCHJ 201216530 1(A), 20(A), 33(B), 38(B)
KAD-FARM IBERIS MCHJ 206161811 1(B), 2(B), 34(C)
ТИБТЕХНИКА МЧЖ 200791475 1(B), 2(B), 25(A), 34(C)
ХУШНУД МЧЖ 200612245 1(A), 20(A)
КАМОХА TOUR MCHJ 205654546 1(B), 20(B)
PROOF STEAL MCHJ 300861812 1(B), 20(B)
ORION-SAMPROD MCHJ 301229163 1(B), 16(B), 17(B), 20(A)
OOO KINGDOM OF PROGRAMMERS 204435748 1(B), 2(B), 20(B)
ЖОМБОЙ тумани JOMBOY SHABNAM BARAKA MCHJ 300989786 1(A), 16(B), 33(B), 38(B)
ИШИХОН тумани JAMSHID SHINOROV ФХ 203730460 1(A)
ВОТИБЕК ХФ 203572760 1(B), 11(A)
КАТТАКУРГОН тумани TIYAN FARM-M.D.S. XK 206212399 1(A), 34(C)
КАТТАКУРГОН GAZ OIL MCHJ 301382348 1(B), 16(B), 17(B), 20(A)
НАРПАЙ тумани BOBUR PILLA MCHJ NARPAY 204556004 1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 25(A), 29(A)
НУРОБОД тумани NAVRUZ ХУСУСИИ ДОРИХОНАСИ 200777870 1(A), 11(A), 34(C)
ПАЙАРИК тумани ХИМО УНИТАР КОРХОНАСИ 203350436 1(A)
ПАСТАВРГОМ тумани КАМАЛАК МЧЖ 201184382 1(A), 11(A), 20(A), 25(A)
ГУЗАЛКЕНТ САХОВАТ МЧЖ 201184192 1(B), 11(A), 17(B), 20(A), 25(A), 29(A)
ПАХТАЧИ тумани ZAFAR OSIYO PETROL XK 300964518 1(A), 17(B), 20(A), 33(B)
САМАРҚАНД тумани MADINA-INTER LUX MCHJ 205683559 1(A)
ТОЙЛОК тумани KAFOLAT STIL MCHJ 205488634 1(A)
УРГУТ тумани ФЕРУЗ МЧЖ 202097711 1(A), 20(A)
ORAMAS SAVDO SERVIS MCHJ 201420334 1(A), 11(A)

СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИ

ОЛТИНСОЙ тумани МАКСАД С.А.К. ФХ 200483004 1(A), 29(B)
АНГОР тумани ТАЛЛИМАРЖОН ГУЗАРИ ХК 205146584 1(A), 11(A), 17(B), 20(A)
БОЙСУН тумани АКБАРАШОХ БОЙСУНИЙ ХФ 206788663 1(B), 11(A), 17(B), 20(A)
ТЕРМИЗ ш. МАТБУОТТАРКАТУВЧИ ШК 201317516 1(A), 6(B), 17(B), 25(A), 30(B)
САОДАТОНУ-АЗИЗА ТЕРМИЗ ХК 300798953 1(B), 11(A), 20(A)
ТЕРМЕЗ-МОБАЙЛ ОРГТЕХСЕРВИС ХК 205259934 1(A), 11(A), 20(A)
АФРОСИЕ-ТАРМИТ МЧЖ 205254807 1(A), 20(A), 33(B)
ДЕНОВ тумани Н.МИРЗАЕВ МЧЖ 200486086 1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 29(B), 33(B), 38(B)
АБДУКАРИМ НОМЛИ ДЕХК. ФЕРМЕРЛИГИ 203095175 1(A), 29(B)
ЖАРКУРГОН тумани ХОЛИ УГЛИ-ЭРГАШ ХК 205190721 1(B), 11(A), 17(B), 20(A), 33(B), 38(B)
НУРИ ХФ 201391119 1(A), 11(A), 17(B), 20(A)
КУМКУРГОН тумани БЕКОБОД-СУРХОН ХК 205238864 1(A), 29(A)
СОБИР ГОЛИБ ФХ 300169460 1(A), 29(B)
МУЗРАБОТ тумани САЛИМ ФХ 203190439 1(A), 29(B)
САДАТОВ ХОЛИЕР ФХ 201145399 1(A), 29(B)
САРИОСИЕ тумани ХУФАР ФХ 201527230 1(A), 29(B)
ТУПАЛАНГСУВГЭСҚУРИЛИШ МЧЖ 200494536 1(B), 2(B), 6(B), 11(B), 14(B), 17(B), 18(B), 20(A), 22(B), 25(B), 33(B), 38(B)
УЗУН тумани УТГИР ХТФ 202218764 1(A), 11(A), 17(B), 20(A)
ШЕРОБОД тумани ЭРКИН ХК 201002085 1(A), 20(A)
СУПТОН (СУЛТОНОВ Б.) ФХ 201914754 1(A), 29(B)
ШУРЧИ тумани ИУЛЧИ-МК МЧЖ 201436993 1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 25(A)
ПОЛВОНТОШ МЧЖ 201437708 1(A), 11(A), 17(B), 29(B), 33(B), 38(B)

СИРДАРЕ ВИЛОЯТИ

ОҚОЛТИН тумани DILBORA-DILRABO XK 202895519 1(A), 29(A)
БОЕВУТ тумани ЖУМА АЗИЗ ТРАНС ХФ 301000078 1(A), 11(A), 20(A)
ДЕХКОН БОЗОРИ МЧЖ 200303083 1(A)
ГУЛИСТОН ш. GOLD STAR MARKET ФИРМАСИ 205280110 1(B), 20(A), 25(B)
ЗАРНУР-ГУЛИСТОН ХСИЧФ 205216393 1(B), 20(A), 25(B)
ФАРРУХ-МАРКЕТ-СЕРВИС ХК 205269454 1(B), 11(A), 20(A)
БИЗНЕС-ФАЙЗ-М.М.У.С.ХФ 205239389 1(A)

Корхона номи СТИР Текширувчи ўтказишга масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлиmlалари

САЛИМЖОН УГЛИ М.ХК 205280087 1(A), 11(A), 20(A)
БУСТОН-ХАМКОР-ШАРК ХК 205241450 1(A), 20(A)
REZTEXMETSERVIS MCHJ 205206968 1(B), 17(B), 20(A), 25(A)
НОДИРБЕК АСИЛБЕК ХАМКОР САВДО ЯНГИЕР ш. ДИЛМУРОД-Э.Н.Г.Т. ДСИЧФ 204299617 1(A), 34(C)
ГУЛИСТОН тумани ГУЛИСТОНЛИК ОК ТУЛПОР ХФ 206728207 1(A), 20(A)
КИШЛОХУЖАЛИККИМЕ ГУЛИСТОН ТУМ. МИРЗАБОБД тумани МЕХРИЕ МАЛХАМИ БИОЛАБОРАТОРИЯ 205345788 1(A), 11(A), 20(A), 29(A)
САЙХУНОБОД тумани СИНДРОБОЙ КАРОМАТ МЧЖ 300882762 1(A), 25(A)
САРДОБА тумани САРДОБА ТУМАН КХК ФИЛИАЛИ 200316462 1(A), 25(A)
СИРДАРЕ тумани SHAROS-MALIKA ХТА 300524803 1(B), 11(A), 16(B), 20(A), 25(A)
БОХОДИР СТОМАСЕРВИС ХФ 202620345 1(A), 11(B), 20(A), 34(C)
KUMUSH-BILLUR-SAVDO XK 300556953 1(B), 11(A), 20(B)
БИЛЛУР-АФРОСИЕБ СХК 300548471 1(A), 11(A), 20(B), 25(A), 29(A)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ОҚКУРГОН тумани НАСРИДДИН ФАЙЗ ХФ 206164332 1(B), 11(A), 34(C)
БУСТОНЛИК тумани GAZALKENT-OLINA MCHJ KK 200439199 1(C), 17(B), 20(B), 22(B), 25(A), 33(B), 38(B)
AZAMAT ANVAR FAYZ XK OLMALIK ш. MIR-ISKO-AVTO MCHJ 300141971 1(A), 17(B), 25(A), 29(A)
OOO ЭЛ-СИ К 201120485 1(B), 17(B), 20(A), 25(A)
ДИЛАФРУЗ 201275300 1(B), 11(A), 34(C)
OLMALIUC-SHIFO XK ANGREN ш. ANGREN KOMIRETKAZUVCHI MCHJ 207016317 1(B), 17(B), 20(A), 25(C)
ANGREN IES OAJ BEKOBOД ш. OMINA-TAOM ХФ 204414021 1(A), 11(A), 20(A)
БЕКАБАДЦЕМЕНТ ОАЖ 200459808 9(C), 18(B), 20(B), 22(B), 35(C)
300635110 1(A), 17(B), 29(A)
UNIVERSAL-MANGUBEK KK TEMUR-BEKOVOD-SERVIS XK 205423120 1(B), 11(A), 20(A)
300463223 1(B), 17(B), 20(A), 25(A), 33(B)
ЧИРИК ш. XUSAYN MIRZO SAVDO SHK 204734289 1(A), 20(A)
ISLOM SAVDO SERVIS XK 205364148 1(B)
DJUMANIYOZOV SUXROB RUSLANOV. ZANGIOTA тумани NARIMON-BARAKA MCHJ 205943914 1(A), 11(B), 20(A)
ГУЛЧЕХРА ЧМП 200566113 1(A), 11(A)
AQUA BOTTLERS QK 200699347 1(C), 11(B), 16(B), 17(B), 20(A)
BILOL-QUR-SH PLUS BA-KA MCHJ 301103241 1(A), 11(A), 20(A)
NURAFSHON HAMKOR QURILISH MCHJ 301184744 1(B)
MURODLI ICHK 200560873 1(B), 34(C)
SAMARA MCHJ 200564069 1(B), 11(B), 17(B), 20(A), 22(B)
GRAND POLIMER XK 205757884 1(C), 11(B), 20(A)
КИБРАЙ тумани SHIRIN BARAKA SAVDO MCHJ 300026820 1(B), 11(B)
HUSHROY-SHIRIN QANDOLAT MCHJ 301168747 1(A), 20(A)
O'ZTIBTEKHNIKA MCHJ 201678391 1(B), 17(B), 20(B), 22(B), 34(C)
OOO ZOLOTOTE RUNO TOШ IЭC YK 200811551 1(B), 17(B), 20(A)
200605388 20(C), 30(B), 33(B), 38(B)
ПАРКЕНТ тумани КУМУШКОН СПОРТ СОГ. МАРКАЗИ МЧЖ 200571298 1(B), 17(B), 20(A), 22(B), 29(C), 40(C)
ПИСКЕНТ тумани ЭЪЗОЗ ЛТД 200448536 1(B), 20(A)
УРТАЧИРИК тумани ADHAM-SHER ФХ 204778344 1(A)
ЮКОРИЧИРИК тумани BULOQ LTD 202596486 1(B), 20(B), 29(A)
ЯНГИЙУЛ тумани FERUZA FARM OMAD XK 301188144 1(A), 11(B)

ФАРГОНА ВИЛОЯТИ

ОЛТИАРИК тумани МУХИДДИН ПОЛОСОН ФАЙЗИ ХК 300268401 1(B), 11(A)
ИШОНЧИ МЧЖ 200175537 1(B), 11(A)
БУВАЙДА тумани БЕГЛАР ФИРМАСИ 201917078 1(B), 11(A), 20(A), 33(B)
КУКОН ш. АВТОСАНОМКОМПЛЕКТ ТРАНС СЕРВ. МЧЖ 206738083 1(A), 6(B), 11(A), 15(B), 20(A)
УВАЙСИЙ МЧЖ 200133454 1(A)
КУВАСОЙ ш. УТУСХОН САВДО ФАЙЗ ХК 206938167 1(B)
МАРГИЛОН ш. ТЕМИРЧИ ЛТД МЧЖ 200141286 1(A), 17(B), 20(A), 22(B)
МО'ТАВАР ЗАМИНДАГИ ТАНТANA MCHJ 205253713 1(A), 11(A), 20(A)
УРЖУЗА ХК 204071269 1(A), 20(A)
FAR OLTIN VODIY NAVKARI MCHJ 301556059 1(B), 6(B), 20(A), 33(B)
300471973 1(B), 20(A)
АООТ ОЛТИН ВОДИИ 200202336 1(B), 20(A)
ФНКИЗ ШУЪБА УНИТАР КОРХОНАСИ 200202099 20(C), 38(B), 41(C)
ДАНГАРА тумани ДАНГАРА-МЕХРИ ДИЛ МЧЖ 206194572 1(A), 20(A), 25(A)
DANGARA ХОСИ ЗАМОНА MCHJ 301400514 1(A), 11(A), 17(B), 20(A)
МУЗАФФАРБЕК ХУСУСИИ ТИЖОРAT 200165295 1(A), 11(A), 20(A)
КУВА тумани ХАХРИЗОДА САЙДИХОН ХК 301083498 1(A), 11(A), 33(B)
КУШТЕПА тумани УМИД ФИРМАСИ (ПТР КОШИДА) 201919067 1(A), 11(A)
РИШТОН тумани САНОАТХОН АДОЛАТБОНУ ХК 301119474 1(A), 11(A)
ГУЛОБОД-ЮРТ ФХ 203892957 1(B)
ЗАЙТУН ЭИЕФАРМ ХК 300088791 1(A), 11(A), 20(A), 34(C)
ТОШЛОК тумани ОБЪЕС-МИРЗО ФХ 203910459 1(A)
САХОВАТЛИ ОЛИМЖОН АХШАК КУРКИ 300510544 1(A), 11(A), 20(A)
200187047 1(B), 11(A), 15(B), 17(B), 20(A), 25(A), 29(A), 33(B)
УЗБЕКИСТОН тумани УРМОНОБОД ДЕХ. ФХ 201848425 1(A)
УЧКУПРИК тумани АЛИМОВ ЖАХОНГИР ХК 300444673 1(A), 11(A), 20(A), 34(C)
АМАТОН ХФ 201333814 1(B), 11(A), 16(B), 20(A)
ФАРГОНА тумани MINDONOVOD TEXNO PLAST MCHJ 301064434 1(B), 16(B), 17(B), 20(A), 25(A)
ЖАХОНГИР КАХРАМОН ХК 301023634 1(A), 11(A), 20(A)
OOO GLOBAL PRIME 205355854 1(A), 25(A), 34(C)
ФУРКАТ тумани КУЧКОРАЛИ КИМСАНОВ ХК 205168612 1(A), 11(A)
ЕЗЕВОН тумани ИИМОН РИСК ТАВХАРИ 301004174 1(A), 11(A), 17(B), 20(A), 25(A)

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

БОГОТ тумани ОХУНЖОН ХК 203560071 1(A), 11(A), 20(A), 29(A)
ПИТНАК ш. ТУЯМУЛИН ГЭС ДК 200209151 1(C), 17(B), 20(B), 22(B), 33(B)
УРГАНЧ ш. УРГ. ИССИКЛИК ТАРМОКЛАРИ МЧЖ 201568631 1(B), 2(B), 17(B), 20(A), 22(B), 35(C)
АВИА АЗИЯ БЛЮЗ СЕРВИС ХК 300386216 1(B)
ФАРК МЧЖ 200405502 1(A), 25(A)
УРТАНЧУСТЮРТИКПАКСТРОЙ МЧЖ 301113110 1(B), 17(B)
ТЕХАЗПОМОЩЬ КООПЕРАТИВ 200411504 1(A), 25(A)
МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ ХУС. ДОР. ГИДРОИНШОТ ТАЪМИР ХКК 200413739 1(A), 34(C)
203999442 1(B), 20(B), 33(B)
КУШКУПИР тумани КАРИМ ОТА ФХ 203603737 1(A), 29(A)
ХАЛК ДУКОНИ ХК 200216208 1(B)
УРГАНЧ тумани URGANCHAVTOGAZ SHK 301580465 1(B), 17(B), 20(B)
ЧИНОР ФХ 203677914 1(A), 29(A)
УРГАНЧ АГРО МИНЕРАЛ САВДО ИЧК 206045471 1(A), 20(A), 25(A)
ХАЗОРАСП тумани БАХТИЕР-ХУДОЕР ХК 205253791 1(B), 33(B)

Корхона номи СТИР Текширувчи ўтказишга масъул бўлган назорат органлари ва уларнинг бўлиmlалари

ХОНКА тумани ХОНКА А.НАВОИЙ МУКОБИЛ МТП 205428612 1(A), 14(B), 20(A), 25(A)
ХИВА тумани TURON ENERGIYA MCHJ 301133134 1(A), 20(A)
ДАВЛАТЕР ХУС. ДОРИХОНАСИ 203657148 1(A), 11(A), 20(A)
ШОВОТ тумани SHOYOT BAHODIR AZIZA XK 207036079 1(B)
ЯНГИАРИК тумани ЯНГИАРИК МАРМАР МЧЖ 205228473 1(A), 11(A), 25(A)
HERO CONSTRUCTION MCHJ 206539742 1(B)
ЯНГИБОЗОР тумани ХОР ЯНГИЕБ ТАЪМИРЛАШ КУР. ХК 301084758 1(A), 11(A), 20(A), 25(A)

ТОШКЕНТ ШАХРИ

ОЛМАЗОР тумани OOO MUMIN-MIRZO SAVDO SERVIS 205798636 1(B), 11(A), 20(A)
RUSTASH AVTO XK 207057567 1(B)
206709174 1(A), 11(A)
BIRJASERVISKOMPLEKT MCHJ 204653176 1(B), 20(A)
ILKER-FOOD 300491735 1(B)
AMIN PLAST 301117635 1(A), 17(B), 20(B)
KARIMJOM FAYZ XK 300860877 1(B)
OOO CHOCO DREAM 301455761 1(A), 11(A), 17(B), 20(A)
БЕКТЕМИР тумани MUHO-PLAST 301429341 1(A), 11(A), 17(B), 20(A)
NERUDNIK MCHJ 200663791 1(C), 6(B), 11(A), 17(B), 20(A), 25(B), 33(B), 39(C)
LOGITEP TRANS PLUS MCHJ ZAYNIDDIN SAVDO 207044496 1(A), 11(A), 20(A)
301299251 1(B), 11(A), 20(A)
МИРЗОБОД тумани OOO ND PHARMACEUTICAL 300551858 1(C), 20(A)
AVIA JAHON SERVIS MCHJ 301168708 1(B), 20(A)
KASB BIZNES MCHJ 201424451 1(A), 20(A)
DELTA DESIGN MCHJ 205929978 1(A), 20(A)
SAVDOGAR OATB CH.EL.KAPAMAL.B. AKSENT MEDIA MCHJ 201053901 20(C), 21(C)
205228988 1(B), 20(A)
DALSTON CO LIMITED MCHJ QK 202858444 1(B), 20(A), 22(B)
ALUMINIUM SYSTEMS XK MCHJ 206063807 1(C), 17(B), 20(B), 25(A), 38(B)
OOO PRIME GLOBAL SERVIS 300568234 1(A), 20(A)
YODGOR LAZZAT MCHJ 301160251 1(B), 20(A)
OOO REST AND TRAVEL 301199036 1(A), 20(A)
JINDU DEVELOPMENT CORPOR. QK 202070549 1(A), 11(A), 20(A)
STEEL PRODUKTION XK BUZTON MCHJ QK 205262038 1(A), 20(A)
WOLFSON SHARQ ENTERPRISES MCHJ 200980500 1(B), 30(C)
OOO EUROTRADE TASHKENT 300840728 1(C), 20(A)
AZIYA BESH SAVDO MCHJ 206807646 1(B), 20(A)
AMINA SERVIS TUR MCHJ 300547727 1(B), 20(A)
DAV MCHJ 200511427 1(B), 11(A), 20(A)
МИРЗО УЛУГБЕК тумани GURGEN HOUSE 204290692 1(C), 6(B), 20(B)
ALMAMO TRADE 301554228 1(B)
300810463 1(A), 20(A)
SADAF-J 200826248 1(A), 20(A)
SAF-SAVDO 200522444 1(C), 11(A), 16(B), 20(A), 22(B)
UMIRS ASIA 205804026 1(C)
301016151 1(A)
FRAHT AND TRANS SERVICE 300728500 1(A)
LUXE UNIVERSAL SERVIS 301089315 1(C), 20(A)
MASS CONSTRUCTION 301384090 1(A), 20(A)
ARBAT VOSTOK 301120181 1(B), 20(A)
IMS SPRINT
СЕРГЕЛИ тумани САРВАР-ШИРИН 200639875 1(B), 20(A)
DIVIDER-METALL 206003516 1(B), 11(A), 20(A)
OOO INVEST-TOSH 202719845 1(B), 11(A), 18(B), 20(A)
OOO REAL PLAST SERVIS 203615714 1(B), 11(A), 20(C)
OOO AROMA PARADISE 300251029 1(A), 20(A)
ZEFAR FAYZLI MCHJ 300832855 1(A), 11(A), 20(A)
MEBEL OAJ QK 200648263 1(B), 6(B), 11(A), 17(B), 20(B), 21(C), 22(B), 33(B), 38(B)
OOO ALES POLISOL 205327912 1(A), 11(A), 20(A), 22(B)
EMA CHINA TEXNIKA SERVICE 206993464 1(C), 11(A), 20(A)
EVEREST KAMTRANS 301559458 1(A), 11(A), 20(A)
ALFA PLASTIK 203437856 1(C), 6(B), 11(A), 20(B), 25(B)
SAR AVIAKOMPANIYASI 201365347 1(B), 11(A), 17(B), 20(A)
BEKTOPIYA-JASIK 301313939 1(B), 11(A), 17(B), 20(A)
OOO EAST-KOLOR 204551533 1(C), 11(A), 20(B), 25(B), 33(B), 38(B)
УЧТЕПА тумани NBS BIZNES TRADE MCHJ 206776869 1(A), 20(A)
JAHON PRINT MCHJ 204640984 1(A)
301189451 1(A), 20(A)
VISOL MEBEL MCHJ 301423169 1(A), 20(A)
IBROHIM POLIMER PLUS MCHJ 301204187 1(B), 20(A)
MEGA LUKS 301177902 1(A), 20(A)
301180235 1(A), 11(A)
NASIBA-MALOXAT MCHJ 300496854 1(A), 20(A)
OOO KONSAUD-UNIVERSAL 205489410 1(A), 20(A)
YUSUF ZIYUDDIN XK 300900572 1(A), 20(A)
MEGA SUPER BARS XK 301173354 1(B), 11(A), 20(A)
SUHAIL NUR MCHJ 301199154 1(A), 20(A)
QAHRAMON FIRE BRICK INVEST MCHJ 300956621 1(A), 20(A)
OOO PLAST SERVICE GROUP 301330578 1(A), 20(A)
OOO STONE PROFY SERVICE 301202127 1(A), 20(A)
MADAD SAVDO BARAKA FAYZ
ХАМЗА тумани OOO OLTIN XIRMON 200836464 1(B), 11(A)
KINNERTASH QK MCHJ O' ZBEK-B. 204710137 1(B), 11(A), 17(B), 20(A), 25(A), 38(B)
OOO IMPERIYA LYUKS SERVIS 301047295 1(A), 11(A), 20(A)
OOO YANGILOBOD BAXROM BARAKA FAYZ 300815052 1(B), 11(A), 20(A)
OOO ULMAN 200547136 1(B), 11(A), 25(B)
OOO FLOUR STAR SERVICE 301318511 1(A), 11(A), 20(A)
OOO GABUS-BUTLASH 202649008 18(B), 20(A), 33(B), 38(B)
OOO TOSHMUHAMMAD TREYDING 204304672 1(B), 11(A), 20(A)
ЧИЛОНЗОР тумани SHARQ-AVTO MCHJ 204242901 1(B), 20(A)
TABIB-FARM MCHJ 203785836 1(B), 11(A)
OOO TOSHKENT PLAZA 300780938 1(A), 20(A)
СП БЕЗАК УЗБЕК-ИРАНСКОЕ 200798290 1(B), 11(A), 18(B), 20(B), 25(B), 33(B), 38(B)
OOO BUILDING TECHNO SERVIS OSU-4 MCHJ 204000854 1(A), 20(A)
200808074 1(B), 6(B), 17(B), 18(B), 20(B)
ШАЙХОНТОХУР тумани OOO LINK TRANS 207040336 1(B)
VIBIRON ЧПФ 202761241 27(C), 34(C)
204447036 1(B), 11(A), 20(A)
AL-ABDURASUL MCHJ 200916903 1(B), 11(A), 20(A), 22(B)
GREAT SHOSH BUSINESS MCHJ 206981084 1(A), 20(A)
KURASH-SANTEXQURILISH MCHJ 203842737 1(A)
OOO TASHLOYIXA 200898429 1(A), 17(B), 20(B)
KOLTKANPLAST MCHJ 301126410 1(B), 20(A)
NORD-WEST MCHJ 204172808 1(B), 11(A), 20(B)
ЮНУСОБОД тумани OOO NUSRATUL-AMIR 202672867 1(B), 11(A)
BIZNES VENETSIIYA MCHJ 300070791 1(A)
DO'ST XK 201063271 1(B), 11(A)
OOO BARAKA BIZNESS MEBEL 301179203 1(A), 18(B), 20(A)
ELEKTROTEXMAXSUSQURILISH 201123774 1(B), 20(A)
FH ELIT USTO MCHJ 300779066 1(B)
FAXRIY-GLOBAL-BIZNES MCHJ 301428596 1(B), 11(A)
OOO BATIST 204413592 1(B), 11(A)
OOO AIR-PROM-TECHNOLOGY 300433924 1(B), 20(A)
ЧФ GILMISAFI 204394870 1(A), 11(A)
OOO RESTORED BEAUTY 301580085 1(C), 17(B), 20(A)
MUSAFFO OBI HAYOT MCHJ 300472766 1(C), 6(B), 11(A)
DALEM DEVELOPMENT MCHJ 300607144 1(A)
ЯКАСАРОУ тумани MAXSASAVOTMATAKA-PRIM MCHJ 205775356 1(B), 20(A), 25(A)
BO'CHI XF 200622454 1(A)
OOO CAPITAL MASH PLUS 206620517 1(A), 20(A)
OOO DONUTS-FOOD 205840085 1(B), 20(A)
TOSHKENT XALQARO MAKTABI ULUGB. 201502040 1(A)
TOSHQURILISHMATERIALLARILITI 200523016 1(B), 20(A), 39(C)
OOO BEZOPASNOST I KONTROL 200712719 1(A), 20(A)
KARAVAN-ART MCHJ 203576669 1(B), 11(A), 20(A)
ELEKTRO PLUS XK 205975653 1(A), 20(A)
MAXSUSANOATENEGOMONTAJ MCHJ 204114649 1(B), 20(A), 25(B)

*Текширилган бошланғич сана - 2013 йил 1 июль; текширилган сана - 30 июль.

ГАЗ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШИБ БЎЛМАЙДИ

Турар жойларда газ портлаши туфайли харобага айланаёзган биноларни, кулфатда қолган одамларни телевизор орқали кўриб чин юракдан ачинасан, ҳаёти бу зайл хотима топган одамларнинг яқинларига ичингда сабр тилайсан. Таассуфки, бундай ҳодисалардан кўпинча зарур хулоса чиқармаймиз. Ҳолбуки халқимизда бирни кўриб шукр, бирни кўриб фикр қил деган нақл бор.

Бир сафар Марказимизга ёнғин билан боғлиқ техник экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор келиб тушди, газдан чиққан аланга оқибатидаги ёнғин билан боғлиқ иш материаллари ҳам тақдим этилди. Экспертлар газ портлаб ёнғин чиққанлиги сабаблари масаласига оидлик киритишлари лозим эди.

Ишга оид материалларни ўрганиш ва воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш асносида шу нарса маълум бўлдики, беш қаватли уйнинг тўртинчи қаватида яшайдиган Н. эрталаб болаларини мактабга элтиб қўйиб, уйга қайтгач, мириқиб дам олмоқчи бўлган. Телевизорни қўйиб, иштиёқ билан бадиий фильм кўра бошлаган. Фильмни узиб реклама беришга ётган пайтда у ошхонага ўтиб, човгумни тўлдириб газ плитасига қўйган. Уни ёқиш учун газ вентилини бурагани ҳамони мириқиб кўраётган сериал бошланиб қолади-ю, Н. телевизор турган хонага югурган.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, томоғи қақраб ошхонага чиқса, човгум тагида

газ ёқилмаган, аммо вентиль охиригича очиб қўйилган. У ўз хатосини тўғрилаш мақсадида гугурт чаққанини билади... Шу лаҳзада гуп этиб олов кўтарилиб, аллақандай зарба уни ошхона деразаси томон улоқтиради. Н.нинг бахтига пастда бир эмас, учта роса сершоҳ дарахт бор эди. Шулар унинг тўртинчи қаватдан бошланган «парвози» тезлигини пасайтирган. У ерга зарб билан тушиб ҳушини йўқотган.

Газ аралашмаси алангаси квартирадаги буюмларга ўтган. Қўшнилари ўт ўчириш хизматига ва «Тез тиббий ёрдам»га кўнғироқ қилишган.

Тез орада жабрланувчини касалхонага олиб кетишган, ўт ўчирувчилар эса квартирадаги ёнғинни бартараф этишган.

Ишга оид материалларда Н.нинг ҳолати ҳақида маълумотнома ҳам бўлиб, унга кўра танасининг ярмидан кўпи куйган, тўртинчи қаватдан отилиб тушганига қарамай, хайрият, энгилроқ

тан жароҳати олган.

Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечирган эксперт газ плитасидаги кранлардан бири очиқ қолдирилганлигини аниқлаган. Газ плитасига уланган газ қувуридаги бурама тўсқич ва газ ҳисоблагичаппаратиёчиблинган бўлиб, уларнинг ўрнига барча қондаларга хилоф равишда резина шланг уланган экан.

Жойни кўздан кечириш натижаларига таяниб ва иш материалларини ўрганиб чиққач, эксперт газ силқиб чиққани оқибатида квартирада газ портлаш ҳодисаси содир бўлган деган хулоса-

га келди. Хона ичида газ концентрацияси 2,1–9,5 фоизга етгач, портлаш хавфи юқори даражадаги иссиқлик-ҳаво қоришмаси ҳосил бўлгану, алангаланиб хона ичи портлашига сабабчи бўлган.

Бундай қоришма алангаланганда ёниш тезлиги секундига тахминан 0,5 метрни ташкил этса, унча фожиали саналмайди. Бироқ ёпиқ хонада ҳаво билан қоришиқ муайян концентрациядаги қоришма алангаланганда ёнув портлаш билан бирга кечади – ёниш тезлиги секундига бир неча юз метрга боради, чор атрофдаги қурилиш конструкциялари қисмларини вайрон қилишга қодир сиққ тўлқинлар ҳосил бўлади. Одам танаси ҳам омон қолмайди. Ана шулар эътиборга олинса, Н.нинг тагин омади бор экан дейиш мумкин.

Бу воқеани муфассалроқ баён этишдан мақсад фуқароларимизни газ плиталаридан фойдаланишда эътиборлироқ бўлишга, ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам хатарга қўймасликка ундашдан иборатдир. Негаки газ билан сира-сира ҳазиллашиб бўлмайди.

Ҳусан ЮНУСОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Республика суд экспертиза
марказининг давлат суд
эксперти.



ҲАМДЎСТЛИҚДА

БАНКИРЛАР УЧУН ҚОРА РЎЙХАТ

Россия Марказий банки кредит ташкилотлари зиммасига илгари лицензиядан маҳрум қилинган банкда ишлаган топ-менежерларни ишга қабул қилишлари тўғрисида хабар қилиш мажбуриятини юклайди.

Ташкилот лицензиядан маҳрум қилинган менежерларни ишга қабул қилаётганда бу ҳақда МБни хабар-

дор қилиши шарт бўлган лавозимлар доираси белгиланди. Улар жумласига банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ички тузилмалар, бўлималарнинг раҳбарлари киради.

Ушбу чора бир маротаба бўлса ҳам кредит ташкилотининг банкротлигига аралашиб қолган топ-менежерларни ишга жойлаштиришни қийинлаштиради.

МИГРАНТЛАРГА ҚОНУН ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Меҳнат интизомини бузганлиги учун мигрантларнинг Россияда ишлашлари тақиқланиши мумкин. «Россия Федерациясида чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги Қонунга тузатишлар пакети Давлат думаси кўриб чиқиши учун киритилди. Ушбу ҳужжат Россияга

виза олишни талаб қилмайдиган тартибда квота бўйича келган чет эллик ходимларнинг аҳволини ўзгартиради. Меҳнат интизомини бузишдан ташқари иш берувчи билан шартнома мигрантнинг ташаббусига кўра бекор қилиниши ишлашга рухсатномани бекор қилишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ЧИҚАРИЛГАНИГА 9 ЙИЛ ВА УНДАН КЎП БЎЛСА

1 июлдан бошлаб Қозоғистонга фақат 4-экологик тоифадаги (Евро-4) автомобиллар олиб киришга рухсат берилади. Бунинг маъноси шуки, июлдан бошлаб Қозоғистонга 2005 йилдан аввал чиқарилган автомобилларни олиб кириш ва рўйхатдан ўтказиш тақиқланади.

Қозоғистонда ишлаб чиқарилган автотранспорт учун эса ушбу тоифа талаби 2014 йил 1 январдан жорий этилади.

ДУНЁГА «БИР ДАРЧА» ДАН

Россия компанияларига халқаро бозорга чиқишда ёрдам берадилар, – деб хабар қилади «Российская газета». Бунинг учун РФ Иқтисодий ривожланиш вазирлиги маҳаллий маъмуриятлар билан «бир дарча» хизматларини очиш тўғрисида битимлар тузишга тайёрланяпти. Бу ерга инвесторлардан таклифлар, МДХ ва олис хорижнинг эркин бозорлари тўғрисида савдо ваколатхоналари ахбороти, шунингдек Иқтисодий ривожланиш вазирлиги маъқуллаган бизнес лойиҳалари йиғилади.

Халқаро бозорга чиқишга тайёр таш-

килотлар Вазирликка ўз минтақаси учун иқтисодий ёки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳа «паспорти»ни жўната оладилар. Идора мутахассислари унга эксперт баҳоси бериб, 3-4 кун ичида хулоса чиқарадилар.

2012 йилда «бир дарча» бошлов лойиҳалари, хусусан, Татаристонда ишга туширилди. Бугунги кунда Иқтисодий ривожланиш вазирлиги билан минтақалар ўртасида ташқи иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисида 18 битим имзоланган, яна ўнлаб битимлар ишлаб чиқилляпти.

Интернет тармоғи материалларидан.

РЕКЛАМА

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎЗР АВНинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон қувонмаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказилади

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8374) 296-52-15

ЭЪЛОНЛАР

«Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестициялар департаменти» ДУК ички аудитор лавозимига мутахассисни ишга таклиф этади. Номзодга қўйиладиган талаблар: тўлиқ иш куни, ички аудитор сертификатининг мавжудлиги.
Тел.: 232-01-02, 233-19-71.

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел. (+998 90) 370-63-06.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Объектларни кўриқлаш.
Тел.: 542-17-65, 508-74-34.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда.
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

*Хизматлар лицензияланган.
Товар сертификатланган.

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ТАБСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъула:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайдиган. Таҳририят муштарийлар билан ёзилиб туриш имкониятига эга эмас. «Norma маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлатириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан таъвирланган гунолуқлиқлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмахонасига босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 970 Агад 2 315. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2013 йил 20 майда соат 19.00 да топширилади.
ISSN 2010-5223